Аллоҳ ерни ўз қабзасига олиб, османоларни ўнг қўли билан буклайди. Сўнгра Аллоҳ: «Мен подшоҳман, ер подшоҳлари қаерда?», – дейди

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу айтадилар: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг шундай деганларини эшитдим: Аллоҳ ерни ўз қабзасига олиб, османоларни ўнг қўли билан буклайди. Сўнгра Аллоҳ: «Мен подшоҳман, ер подшоҳлари қаерда?», – дейди.

[Саҳиҳ] [Муттафақун алайҳ]

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам бу ҳадиси шарифда Аллоҳ Қиёмат куни ерни ўз қўлига олишини, ўнг қўли билан буклашини, бир-бирига ўраб олиб, бориб уларни йўқ қилишини хабар бердилар. Сўнгра Аллоҳ: «Мен подшоҳман, ер подшоҳлари қани?!», – дейди

http://sunnah.global/hadeeth/uz/show/65028